

диёт платформаларидан фойдаланиш салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳудуд экспорт тизимининг истиқболли стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Экспорт самарадорлигини ошириш учун, аввало, унинг салоҳиятини ошириш ва ривожлантириш масалаларини тизимли тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан ёндашув талаб этилади.

4. Тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт технологияларининг кўрсаткичлари ҳажми таъсири-

ни баҳолашнинг инновацион фаолият самарадорлигини белгилаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

5. Тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт платформаларидан самарали фойдаланиш натижасида унинг иқтисодий самарадорлиги, техник кўрсаткичларини яхшилашга эришиш мумкин. Уни баҳолаш натижаси эса хизматларни тижоратлаштиришнинг мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

Манба ва фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ҳасанов С. Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари. // "Экономическое обозрение" журнали. 2020 йил, 6 (246)-сон.
2. Ҳасанов Ш.Т. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ривожланишининг асосий ўйналишлари. // «Аграр тармоқ иқтисодий салоҳиятини оширишда институционал ислоҳотлар ва агрокластерларни ривожлантиришининг ўрни: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. / Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДАУ таҳририят нашриёт бўлими, 2021. 9-11-бетлар.
3. Сироғиддинов К.И. Мева-сабзавот экспортини ривожлантириш масалалари. // Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar. 2 (13)-сон. 2021 йил, апрель-июнь, 41-46-бетлар.
4. Турғунов Х.Л. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлари ва муаммолари. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy-elektron jurnal. 6-son, noyabr-dekabr, 2021-yil.
5. Сергей Зоря. Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида қишлоқ хўжалиги муаммолари бўйича етакчи иқтисодчиси.
6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини самарадор ва рақобатбардош қилиш йўллари. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/07/08/agriculture/>
7. Мамасоатов Д.Р. Тадбиркорлик субъектлари экспортida ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Иқтисод-молия, 2020. – 120 бет.
8. Гуломов С.С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт Ўқув қўлланма. – Т., 2020 й.
9. Абдуллаев О.М., Фаттохов А.А., Ахмевов К. Рақамли иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т., 2020 й.
10. Дадабаева Р.А., Шоахмедова Н.Х., Ибрагимова Л.Т. ва бошқалар. Иқтисодиётда ахборот-коммуникациялар ва тизимлар. Ўқув қўлланма. – Т., 2019 й.



ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИННИГ АГРАР СОҲА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ (СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА)

Отамуродова Дилдора Абдукаримовна -
Териз муҳандислик технология
институту ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a67

Аннотация. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқларида экологик омил сифатида тупроқнинг турли даражада шўрланганлигининг пахта, ғалла ҳосилдорлигига таъсири ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили. Тупроқнинг шўрланишини олдини олиш, иқтисодий самарадорликни яхшилаш бўйича тавсиялар.

Калим сўзлар: экологик омил, захкашлар, сизот сувлар, фермер хўжаликлари, ғалла пахта майдонлари, кам, ўртacha, кучли шўрланган тупроқлар.

ВЛИЯНИЕ ПЛОДОРОДИЯ ПОЧВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННУЮ ЭКОНОМИКУ (СУРХАНДАРЬЯ НА ПРИМЕРЕ)

Отамуродова Дилдора Абдукаримовна -
Преподаватель Термезского инженерно-технологического института

Аннотация. Анализ влияния засоления почв разного уровня на урожайность хлопка и зерна как экологического фактора в отраслях сельского хозяйства Сурхандарьинской области и анализ экономической эффективности. Рекомендации по предотвращению засоления почв, повышению экономической эффективности.

Ключевые слова: экологический фактор, фермеры, инфильтрационные воды, фермерские хозяйства, хлопковые поля, почвы низкого, среднего, высокого засоления.

**THE EFFECT OF SOIL FERTILITY ON AGRICULTURAL ECONOMY
(SURKHANDARYO AS AN EXAMPLE)**

**Otamuradova Dildora Abdulkarimovna -
Teacher at Termez Engineering and Technology Institute**

Abstract: Analysis of the effect of soil salinity at different levels on the productivity of cotton and grain as an ecological factor in agricultural sectors of the Surkhandarya region and economic efficiency analysis. Recommendations to prevent soil salinization, improve economic efficiency.

Key words: ecological factor, farmers, seepage waters, farms, grain cotton fields, low, moderate, high salinity soils.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илк бор 19 сентябрь 2023 йилда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблиясинг 78 сессиясидаги нутқида: “Хозирги вақтда сайёрамизда кескин экологик вазият кузатилаётганини, сайёрада учта инқироз - иқлим ўзгариши, биохилма-хилликни йўқолиши ва атроф-муҳитни ифлосланишини кучайиб бораётганини урғулаб, ана шундай мураккаб шароитда Орол денгизи фожиасига қарши курашни давом эттираётган Марказий Осиё иқлими ўзгаришлари олдида энг заиф миңтақалардан бирига айланиб бораётганини” афсус билан таъкидлади.

“Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубida 1,7 миллион гектар майдонда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил худудлар барпо этилди. Бу саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг кўллаб-қувватлаши жуда муҳим”, - дейди Ш.М.Мирзиёев.

Ш.Мирзиёевнинг келтиришича, кейинги 30 йилда миңтақада ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилган. Бу – дунёдаги ўртача исишдан икки карра кўпdir.

Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда миңтақамиздаги иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон табиатга таъсир кўрсатган, натижада инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабати ҳам шунга мос равишда ўзгариб борган. Бу даврларда ўзига хос фан-техника ютуқлари фақатгина инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида амалга оширилган. Барча табиий яшаш воситаларига тугамайдиган ресурс сифатида исрофгарчиликка йўл қўйилган оқибатда экологик муаммолар маҳаллий, миңтақавийлик чега-расидан чиқиб ижтимоий, сиёсий ва албатта иқтисодий жиҳатдан умумбашарий экологик

муаммолар даражасига етди. Охир оқибат неча минг йиллар давомида барқарор бўлган экологик мувозанат иқтисодий жиҳатдан заволга юз тута бошлади. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларга зарар етиб инсониятнинг умумий ватани ва макони ҳисобланган она табиат фалокат ёқасига келиб қолди.

Ҳеч кимга сир эмаски. Бугун инсон иқтисодий фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири биз башорат қилганда кучлироқ тус олмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири инсониятни бир, 1,5 асрда 1 млрддан 8 млрдгача кўпайганлиги бўлса, иккинчидан табиий яшаш воситаларини чексиз деб тушунганлигидадир. Аслида эса инсон яшаш муҳитини яхшилаш, зарур эҳтиёжларни тўлароқ қондириш учун экосистемалар маҳсулдорлиги ва унинг барқарорлигини ошириш лозим бўлади. Демак, жамият тараққиётининг яқин 10 йилликдаги босқичида иқтисодий экология ва атроф-муҳитнинг асосий вазифалари қўйидагилардир: Сув ресурслари, ўғитлар, кимёвий заҳарли моддалардан самарали фойдаланиш, сунъий яйловлар ҳосил қилиш, чўл худудларда шамолни таъсирини камайтириш. Кум кўчишини тўхтатиши мақсадида ихотазорлар ташкил этиши, ўсимлик ва ҳайвонларни касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қилиш, ўсимлик ва ҳайвонларни иқлимлаштириш, тупроқни зичлашишини олдини олиш мақсадида органик маҳаллий ўғитлардан етарлича фойдаланиш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш, биологик рекультивация ишларини олиб бориш, иқтисодий жиҳатдан юқори ҳосилдорлик асоси ҳисобланади.

Суфориладиган ерлар тупроқларининг экологик ва мелиоратив ҳолатига таъсир этувчи (абиотик, биотик, антропоген) омилларнинг соҳа иқтисодиётига таъсирини таҳдил қилиш, суфориладиган ерларнинг минераллашуви ҳамда экологик ўзгаришларига сизот сувлари таъсирини баҳолаш, тупроқлар шўрланишининг даврий ва худудий хусусиятларини математик-картографик моделлаштириш, прогноз хариталарини ишлаб чиқиш, Сурхондарё вилоятида иқлим омилларининг йиллик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар миқдорини ўзгариш динамикаси ва оқибатларини қиёсий таҳдил қилиш дол зарблик касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Сайёрамизда экологик муаммоларни кескинлашуви, иқлим ўзгаришларининг тобора кучайиб бориши, тупроқнинг турланиши, чўлланиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, биохилма-хиллик, табиий ресурслар заҳирасининг кескин камайиб боришининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар қўллаш бугуннинг бирлами чи вазифасига айланмоқда.

Экологик омилларнинг аграр соҳа иқтисодиётiga таъсири сайёрамизнинг қўпгина ривожланган мамлакатларида, суғориш сувларининг сифатини, ер ости сизот сувларининг сатҳи ва минераллашувини, суғорилиб дехқончилик қилинадиган ҳудудларнинг очиқ ва ёпиқ заҳкашларининг қай даражада ишлаши, тупроқнинг шўрланиш даражаси, иқлим ўзгаришлари ва уларнинг қишлоқ хўжалигига таъсири бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Мазкур соҳада жаҳоннинг етакчи олимлари, жумладан: Н.К.Маркута 2014 йилда ўз асарида экологик омилларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини таҳлил қилиб иқлим ўзгариши оқибатида жамият ҳар йили 2-2,5 фоизгача ялпи ички маҳсулот камайишига олиб келишини таъкидлайди [1].

М.Патрик, Ж.Франклайн, Ж.Жемеслар суғориш сувларининг сифати, шўрланиш даражаси, суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва унинг оқибатлари, тупроқнинг шўрланиш даражасининг ортиб бориши билан экин ҳосилининг 20 фоиздан 80 фоизгача камайиб бориши натижасида шунга мос равища аграр соҳа иқтисодиётининг пасайиб бориши бўйича тадқиқотлар ўтказган [2].

Д.Д.Чирас суғориладиган ерларнинг шўрланиши оқибатида қишлоқ хўжалигига нафақат ҳосилдорлик пасайиши, балки шу ҳудудда ишсизлик даражаси ошиб боришини математик таҳлил қиласи [3].

Гиролл қарашларида экологик вазиятнинг ёмонлашиши саноатнинг ривожланишига салбий таъсир ўтказиши ва иқтисодиётда номувозанат ҳолати вужудга келишини таъкидлайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги саноат тармоғи учун хомашё базаси ҳисобланади [4].

Р.Суп тупроқдаги оғир металларни технологик жиҳатдан ўрганиб чиқиб, ҳосилдорликка таъсирини баҳолайди ва аграр соҳа иқтисодиётининг тўла қонли бир маъромда ишлашига таъсирини таҳлил қиласи [5].

Д.Рисе “Ер ва сув ресурсларидан агроэкологоғик ва барқарор фойдаланиш асослари” асарида иқлим ўзгариши оқибатида ер ва сувга бўлган эҳтиёж янада ошиши ҳамда озиқ овқат хафсизлиги муаммосини бартараф этиш мураккаб вазифага айланишини таъкидлайди [6].

А.Жилили томонидан суғориш сувларининг сифати, шўрланиш даражаси, суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва унинг оқибатлари ер ресурсларининг камайишига ҳамда қишлоқ хўжалиги ялпи ҳосили сифатига салбий тасирини олдини олиш учун минтақа хусусиятидан келиб чиқиб экинларни жойлаштиришни тавсия қиласи [7].

МДҲ ва мамлакатимиз аграр соҳа тармоқларида экологик омилларнинг хўжаликлар иқтисодиётiga салбий таъсири мавзусида суғориладиган тупроқларнинг хоссалари, шўрлган тупроқларнинг хоссалари ҳамда сизот сувларнинг экинлар ҳосилига таъсири мавзуси бўйича М.М.Бушуев сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишда сув омборларининг ролини ошириш ва мавсумий экинларни суғоришда улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсия ишлаб чиқади. Унинг фикрича қишлоқ хўжалигига суғориш технологияларни жорий қилиш ва сув тежовчи тизимдан фойдаланиш тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади [8].

О.А.Камилов Ўзбекистонда шўрлган тупроқларнинг минераллашуви тўғрисида тадқиқот олиб бориб, вилоятлар кесимида дала экинларини жойлаштириш ва улардан юқори ҳосил олиш мумкинлигини таъкидлайди [9].

Р.Қ.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмоновлар мамлакатимизда тупроқларнинг ҳолати, унумдорлигини таҳлил қилиб, ҳосилдорликнинг ошишига таъсирини илмий баҳолайди. Улар тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича тавсиялар беради [10]. М.Тожиев “Ўзбекистоннинг жанубий саҳро минтақаси, экстремал иқлим шароитларида тупроқ унумдорлиги, ғўза, буғдој ҳосилдорлигини ошириш ва ем-ҳашак базасини яратишнинг илмий асослари” номли асарида чорвачиликни ривожлантиришда иқлим шароитларига мос экинларни экишни тавсия беради. Айнан аҳоли хонадонларида чорва молларини боқиши учун энг самарали экин турларини иссиққа чидамли ва сувни кам талаб қилувчи, озуқабоп экинларни етишишини таъкидлайди [11].

Шунингдек Х.Зокиров, О.Нормуратовлар “Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги бўйича Сурхондарё вилояти тупроқлари мисолида илмий тадқиқотлар ўтказиб, Шерабод, Музрабод, Бандиҳон ва Ангор туманларида шўрлган ерларни ювиш ва агроэкологоғик тадбирларни ишлаб чиқишида қолган туманларга нисбатан кўпроқ маблағ сарф қилиш лозимлигини таъкидлайди [12].

Айнан Сурхондарё вилояти агросоҳа тармоқларида Х.Болтаев (1975), Х.Х.Зокировлар томонидан (1982, 1983, 1984, 1986, 2020, 2021) йилларда илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлсада, ушбу изланишларда мироэлемент, минерал ўғитлар ва сув режимиининг қишлоқ хўжалиги

экинлари ҳосилдорлиги ва унинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилган [27].

Бироқ вилоят агарар соҳа тармоқлари иқтисодиётiga экологик омилларнинг таъсири бўйича бирорта ҳам изланишлар олиб борилмаганлигини инобатга олиб бугунги умумбашарий экологик муаммолар асрида Сурхондарё вилояти учун ўта муаммоли ҳисобланган тупроқнинг шўрланиш, чўлланиш, ер ости сизот сувларининг кескин кўтарилиши каби омилларни соҳа иқтисодиётiga таъсирини ўрганиш мазкур тадқиқотнинг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Экологик муаммоларни ўрганиш ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётiga таъсирини баҳолаш ва тартибга солиш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, самарадорликни аниқлаш ва таннарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усусларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. 2020 йилда Европа иттифоқи давлатларида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган харажатлар 0,2 фоизни, ташланма сувлардан фойдаланиш харажатлари 0,2 фоизни, давлат ташкилотларининг фаолиятини амалга оширишда 0,1 фоизни ташкил этади” [1]. Ушбу харажатлар атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, биологик хилма-хиллик ва иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти шундаки, республикамиз аҳолисининг 48,4 фоизи айнан шу соҳада хизмат қиласди. Ялпи ички маҳсулот таркибида ҳам унинг ўрни беқиёс бўлиб, жумладан Сурхондарё вилоятида 2021 йилда ялпи ишлаб чиқариш маҳсулотларининг 77,13 фоизи

айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади. Демак, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат саноати учун маҳсулот манбаси, тўқимачилик саноатида барча моддий харажатларнинг 40 % ини, қанд ишлаб чиқариш саноатида 70 фоизини, сут ва ёғ ишлаб чиқариш саноатида 80 фоизини ташкил этади, оғир саноатда йирик миқдорда ишлаб чиқариш воситаларини истеъмолчиси, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда ҳам муҳим соҳа ҳисобланиб мамлакатимиз аҳолисининг 50 % га яқинини иш билан таъминлайди. Жумладан 2000 йилда 3,7 млн киши банд бўлган бўлиб. У иқтисодий фаол аҳолининг 38 фоизини ташкил этган [2].

Марказий Осиё мамлакатлари ўзига хос иқлим шароитлари билан бошқа ҳудудларга нисбатан ўта таъсирчан регион ҳиобланади. Соҳа олимларининг илмий тадқиқотлари натижаларига асосан, XX асрнинг иккинчи ярмидан бўён дунё бўйлаб ўртacha ҳаво ҳарорати 1,8-4,0°C дан ошган ва бу кўрсаткич Марказий Осиё мамлакатларида дунё ўртасига нисбатан ҳам сезиларли даражада юқоридир. Сўнгги чорак асрдаги иқлим ўзгаришлари минтақанинг ирригация тизими, сув ресурслари ва қишлоқ хўжалигига жиддий муаммолар туғдирмоқда. “Минтақада суғорма дехқончиликнинг асосий манбалари бўлган Амударё ва Сирдарё сув сатҳлари 20-30 фоизга камайган” [3].

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541 сон “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2021 йил 12 апрелдаги 202-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиии муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда хизмат қиласди [4].

1-жадвал

Сурхондарё вилоятининг шўрланган ерлари

т/р	Туманлар	Майдони минг/км ²	Шўрланмаган	Кучсиз шўрланган	Ўртacha шўрланиш %	Кучли шўрланиш %
1.	Олтинсой	0.57	75.5	21.7	2	0.8
2.	Ангор	0.39	9.9	60.1	21.3	8.7
3.	Бойсун	3.72	44.4	50.3	0.3	2.3
4.	Денов	0.76	70.8	16.5	10.4	2.3
5.	Жарқўрон	1.14	57.3	33.3	3.6	5.8
6.	Қумқўрон	2.2	73	21.1	4.2	1.7
7.	Қизириқ	0.56	13.2	33.2	29.5	24.1
8.	Музработ	0.74	8	42.3	36.2	13.5
9.	Сариосиё	3.93	92.3	7.7	-	-
10.	Термиз	0.86	30.6	29.9	27.7	11.8
11.	Узун	1.63	93.2	6.3	0.5	-
12.	Шеробод	2.73	7	50.1	27	15.9
13.	Шўрчи	0.85	64.5	29.2	4.9	1.4
14.	Термиз ш.	0.03	-	-	-	-
	Вилоят бўйича умумий	20.1	41.5	32.3	16.8	9.4

Сурхондарё вилоятида шўрланган ерларнинг умумий майдони 12860 гектарни ташкил этиб, тупроқнинг шўрланиш кўрсаткичи нисбатан баланд бўлган ҳудудларга Ангор, Музрабод, Шеробод ва Қизириқ туманлари киради.

Шунингдек, Сариосиё, Узун каби туманларда ўртача ва кучли шўрланган тупроқлар учрамайди. Жами Сурхондарё вилояти бўйича 20,1 минг км² ер майдонлари бўлиб, шўрланмаган тупроқлар 41,5; кучсиз шўрланган ерлар 32,3; ўртача шўрланган майдонлар 16,8; кучли шўр-

ланган тупроқлар эса 9,4% ни ташкил этади (1-жадвал).

Сурхондарё вилоятининг тупроқ иқлим ҳудудлар бўйича шўрланган ерларни майдон кўрсаткичлари 2-жадвалда қайд этилган бўлиб, жойнинг қиялик даражаси яхши ифодаланганини туфайли бу ҳудудларда сизот сувларнинг оқими қониқарли таъминланган. Шу сабабли шўрланган жойлар кучсиз ривожланган. Ер юзаси қиялик даражасининг катталиги боис айрим жойларда ирригацион эрозия жараёнлари содир бўлади.

2-жадвал

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим ҳудудлари бўйича шўрланган ерларни майдони кўрсаткичлари

Туманлар	Жами сувориладиган ерлар, га	Шўрланиш даражаси						Жами шўрланган ерлар	
		кучсиз		ўртача		кучли		га	%
		га	%	га	%	га	%		
I-тупроқ-иқлимий ҳудуд									
Жарқурғон	24313	7594	33,3	812	3,6	1327	5,8	9733	40,0
Музрабод	34085	13358	42,3	11449	36,2	4251	13,5	29058	85,3
Ангор	15918	9211	60,1	3264	20,3	1336	8,7	13811	86,8
Термиз	14452	4441	29,9	4111	27,7	1754	11,8	10306	71,3
Шеробод	33853	18083	50,1	9718	27	5720	15,9	33521	99,0
Қизириқ	26108	10087	38,6	7688	29,4	6858	26,3	24633	94,3
Худуд бўйича	148729	62774	42,21	37042	24,91	21246	14,29	121062	81,41
II-тупроқ-иқлимий ҳудуд									
Бандиҳон	11782	3280	27,8	3491	29,6	2574	21,8	9345	79,3
Бойсун	4499	2295	50,3	135	0,3	104	2,3	2534	56,3
Денов	27501	4740	16,5	2990	4	656	2,3	8386	30,5
Олтинсой	16734	3618	21,7	339	2,0	132	0,8	4089	24,4
Сариосиё	12463	962	7,7					962	7,7
Узун	11637	775	6,3	65	0,5			840	7,2
Шўрчи	16939	4767	29,2	794	9	231	1,4	5792	34,2
Қумқурғон	21542	4734	21,1	942	2	386	7	6062	28,1
Худуд бўйича	123097	25171	20,45	8756	7,11	4083	3,32	38010	30,88
Вилоят бўйича жами	271826	87945	32,35	45798	16,85	25329	9,32	159072	58,52

Иккинчи тоғ олди ва тоғ ости ҳудудларнинг сувориладиган ер майдонлари 123097 гектарни ташкил этиб, шундан 38010 гектари турли даражада шўрланган, жумладан, кучсиз шўрланган ер майдонлари 20,5% (25171 гектар) ни, ўртача шўрланганлари 7,011% (8756 гектарни) ни ва кучли шўрланган ер майдонлари 3,3% (4083 гектар) ни ташкил этади.

Вилоятнинг жанубий туманлари ер ости сизот сувлари яқин жойлашган тақир тупроқлар ҳар хил даражада шўрланган ва тупроқ балл бонитети паст бўлган Шеробод, Музрабод, Қизириқ туманларига нисбатан, шўрланиш даражаси паст бўлган вилоятнинг шимолий туманларида пахта ҳосили Деновда 34,1 центнерни, 2020 йилда Қумқурғонда ҳар гектардан кўтарилиган пахта ҳосили 32,4 центнерни ташкил этган (3-жадвал).

2021 йилда етиштирилган ҳосилнинг 1 кг сифат типларига кўра узун толали пахта навлари 16120 сўмдан 11175 сўмгача, ўрта толали пахта навлари эса 9890 сўмдан 9642 сўмгача нархда сотилган.

2022 йилда Шеробод туманидан турли даражада шўрланган тупроқларда етиштирилган ғалла ҳосили тупроғи кучли шўрланган 9 нафар фермерлар йиллик режаларини 47,3-70,1 фоизга уddaлаган бўлсалар, ғалла экин далалари шўрланмаган “Марғилон-Мубина”, “Тўлқин омад файз”, “Ақлли олтин дон” каби фермер хўжаликлари йиллик режаларини 109,1 фоизга уddaланлар.

Ушбу маълумотлар асосида вилоятда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳақида таҳлилий маълумотни шакллантиридик:

1. Шеробод туманида 2022 йилда 309 та фермер хўжаликлари томонидан 12200 гектар ерга ғалла экилиб, режадаги 37023,8 тонна ғалла ҳосили ўрнига амалда 36577,3 тонна ҳосил етиширилиб, йиллик режа 98,8% га бажарилган.

2. Тупроғи кучли шўрланган 9 нафар фермер хўжаликлари йиллик режаларини 47,3-70,1

фоизга уddaлаган бўлсалар, ғалла экин далалари шўрланмаган “Марғилон-Мубина”, “Тўлқин омад файз”, “Ақлли олтин дон” каби фермер хўжаликлари йиллик режаларини 109,1 фоизга уddaлаганлар.

3-жадвал

**Сурхондарё вилояти аграр соҳа тармоқларида экин экилган ерлар
ҳақида умумий маълумот**

Туманлар номи	Фермер хўжаликлар сони	Умумий сугориладиган ер майдонлар, га	Шўрланган ерлар	Кам шўрланган ерлар	Ўртacha шўрланган ерлар	Кучли шўрланган ерлар	Ғалла экилган ерлар, га (2021 й)	Пахта экилган ерлар, га (2021 й)	Ғалладан етиширилган ҳосил ц/га 2021 й	Пахтадан етиширилган ҳосил ц/га 2021 й
Олтинсой	860	19710	19710	-	-	-	4478	2828	51,9	31,8
Ангор	215	19540	12847	6224	437	33	6164	5616	64,3	36,2
Бандихон	352	17267	8969	6031	2194	73	6011	3079	48,8	33,5
Бойсун	428	4508	4508	-	-	-	2563	32	18,3	32,3
Музрабод	429	38802	14391	12776	11459	177	13554	8781	65,8	14,9
Денов	801	30500	30500	-	-	-	10371	8914	72,4	34,1
Жаркўрғон	324	27626	26055	1517	54	-	11568	5720	53,7	23,1
Кумкўрғон	598	28444	28038	281	125	-	14306	10362	44,4	28,0
Қизириқ	90	29586	5671	13852	9883	181	12077	7988	37,7	22,9
Сариосиё	590	14352	14352	-	-	-	3140	1919	59,2	36,8
Термиз	250	17883	10180	7016	626	61	2955	1756	74,8	34,6
Узун	448	4687	14647	-	-	-	3268	1716	55,4	32,5
Шеробод	647	41060	20328	15855	4222	655	14915	7804	73,3	32,7
Шўрчи	417	20895	20895	-	-	-	7250	5228	54,5	21,9
Жами	6449	324860	231130	63552	28998	1180	112681	71743	57,0	27,8

Хулоса ва таклифлар. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқларида экологик омил сифатида тупроқнинг турли даражада шўрланганигининг пахта, ғалла ҳосилдорлигига таъсири ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича қўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Аграр соҳадаги экологик муаммоларни олдини олиш, иқтисодий самарадорликни яхшилаш учун тупроғи ўртacha ва кучли шўрланган Термиз, Ангор, Шеробод, Музрабод туманлари далаларида шўр ювиш тадбирларини ташкил этиш;

2. Тупроқларнинг шўрланишини олдини олиш мақсадида ер ости сизот сувлари сатҳини кўтарилиб кетмаслиги учун очиқ ва ёпиқ заҳкашларни даврий рекультивация қилиб туриш.

3. Вилоятнинг сув ресурсларидан фойдаланишдаги муммонинг мавжудлигини эътиборга олиб, сув тежовчи ёмғирлатиб, дискрет, системали сугориш усуулларидан фойдаланиш;

4. Аҳоли томорқалари ва фермер, дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда вертикал сугориш қудуқларини қазиши давлат, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан субсидиялаш амалиётини жорий қилиш лозим.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожланишига, аҳолини бандилиги таъминланишига, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни оширишга хизмат қиласи.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёси партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор ийғилишидаги маърузаси:// “Халқ сўзи”, 2017 йил 13 июль.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” [Http://StratEgy.Regulation.Gov.Uz/Document/2](http://StratEgy.Regulation.Gov.Uz/Document/2).
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 11 Сентябрь.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь қуни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.
5. H.K.Marquta. “Water resources and impact of climate change on water resources in central Asia”. In. Hydrology and limnology of central Asia. Springer, senrinquer Singapore, 2014. pp-9.
6. J.Patrick, J.Franklin, J.James. “The environmental science of drinking water”/2005-elsevier. Pp.1-324.
7. D.D.Chiras. “Environmental science eience eighth edition”. Endia-2010. Pp.244-273, 344-360, 463.
8. Ciroll. “Water in Central Asia-past, present future”. Crc press Balkema, New-York 2013. 432.
9. R.Sup. “Determination of heavy metals in soils using technique”. 2015. V55-p 815-820.
10. D.Rise “The basis agroecological and sustainable use of land and water resources (in Russian)”, 2016. Pp 35-40.
11. A.Jilili. “The state of woody plants of natural and antropogenic ecosystems of the European part of Russia and their bioindication”. Studies 2018-v.283-p. 914-920.
12. М.М.Бушев. Отчет по голодиостепенкой опытной станции за 1915 г. Вып-2, 8-22 С.
13. В.А.Ковда. “Дренаж в борьбе с засолением орошаемых почв”. Сборник “Применение дренажа при освоении засоленных земель”. Москва, 1965. 174-176 с.
14. Л.М.Куропатка. “Регулирование водно-солевого режима почв Узбекистана”. Ташкент, “Фан” 1975. 152 с.
15. О.А.Камилов. “Минерализация засолённых почв Узбекистана”. Ташкент, “Фан” 1985. 230 с.
16. Р.Қ.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов. “Республика тупроқларининг ҳолати, унумдорлиги ва уни яхшилаш ўйлари”. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Тошкент-2017. 12-23 б.
17. С.А.Абдуллаев, Т.А.Абдурахмонов, С.Сайдов, З.Абдушукурова. “Суғориш таъсирида Жиззах вилояти тупроқларининг туз режимини ўзгариши”. Биологик ва агротупроқшунослик таълим муаммолари ва истиқболи: ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-2011. 282-284 б.
18. У.А.Ахмедов, С.А.Абдуллаев, F.T.Парниев. “Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари”. Монография.- Тошкент ЎзФА “Фан” нашр, 2005 V боб. 122-157 б.
19. Х.Номозов. “Почвенно-мелиоративные условия Джиззакской степи и их изменения под влиянием орошения”. Автореферат кандидат. диссерт.. Тошкент ГосНИИПА 1996. 28 б.
20. М.Рахмонова. “Физические свойства почв районов нового и перспективного орошения Узбекистана”. Тошкент. “Фан” 2016. 38-40 б.
21. Н.И.Шодиева. “Воҳа тупроқларининг экологик мелиоратив ҳолати ва уларнинг муҳофазаси”. Самарқанд 2017. 26-27 б.
22. И.Э.Махмудов. “Эскидан суғориладиган тупроқларнинг асосий хоссалари ва уларни унумдорлигини баҳолаш”. Тупроқшунослик мамлакат экологик ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги хизматида мағзусидаги республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Тошкент 2019. 54-57 б.
23. М.Тожиев. “Ўзбекистоннинг жанубий саҳро минтақаси, экстремал иқлим шароитларида тупроқ унумдорлиги, ғўза, буғдои ҳосилдорлигини ошириш ва ем-хашак базасини яратишнинг илмий асослари”. Қарши “Насаф” 2015. 9-21, 118-122 б.
24. Х.Зокиров, О.Нормуратов. “Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги (Сурхондарё вилояти тупроқлари мисолида)”. Агро илм 2022. 77-80 б.
25. Donna Mitchell, Schierhon (2011) “Water resources in Central Asia: regional stability of patcsiy make up control survey p:275-290”.
26. Ш.Бобохолов (Диссертация). “Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаршишига иқлим ўзгаришининг таъсири ва адаптация жараёнларини иқтисадий баҳолаш (Самарқанд вилояти мисолида)”. Тошкент-2022 йил. 5-6 бет.
27. Х.Болтаев. “Тупроқларни агрокимёвий хариталаш”. Ўқув-услубий қўлланма. Термиз-2006. 3-6 б.



**ГЛОБАЛ РАҶОБАТ ШАРОИТИДА МИНТАҶАВИЙ АГРОСАНОАТ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШИДА КЛАСТЕРИЗАЦИЯЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА
БАФИШЛАНГАН ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a68

**Элов Дилшод Абдуэжабборович -
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
доценти, и.ф.н.**

Аннотация. Мақолада агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш зарурати илмий асосланиб, уни бошқаришига бағишиланган илмий қарашлар таҳлил қилинган. Шунингдек, агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариши амалиётини такомиллаштиришига қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: кластер, агрокластер, бошқарув, кластерли бошқарув, раҷобатбардошлиқ, глобал раҷобатбардошлиқ, ихтинослашув, интеграция, озиқ-овқат ҳавфсизлиги, қишлоқ ҳўжалиги.